

## PSYCHOLOGY OF FANIDA UZINI-UZI ANGLAS CATEGORLARI.

Usmanova Sevara Akmalovna

ТДПУ II-боскич магистранти

**Annotation:** This article contains the main theories, concepts and views of self-awareness presented by scientists, and the factors that lead to self-awareness in the period from birth to adulthood.

**Keywords:** person, concept, self, mind, ego, id, super ego, psyche, motive, component, self-awareness, behavior.

Шахс ўз-ўзини англашини ўрганиш асосий назарияларни характерлаган ҳолда, уларнинг турли хил назариялар, концепциялар ва нуқтаи назарлар борлигини таъкидлаб ўтамиз. “Мен” категорияси билан боғлиқ бўлган масаланинг мукамал кўриб чиқилмаганлиги, бу тушунчани таърифлайдиган турли хил атамалар билан уйғунлашади: селф, селф-имаге ва бошқалар. Ушбу атамаларни таърифлаш жуда мураккаб бўлиб, уларнинг нисбати ҳам аниқ эмас.

“Мен” бир бутун комплекс сифатида ҳосил бўлиб, унинг қирралари “ўзини англаш”, “ўзини баҳолаш”, “Мен образи” каби категорияларда ўз аксини топган. “Мен” тушунчаси билан энг яқин маънога “ўзлик” тушунчаси эгадир. Шунинг учун атамаларнинг кўплиги бу ҳосилани ўрганишга ёндашувларнинг кўплигидан далолат беради ва унинг орқасида беркитилган психик реалликнинг кўп қирралилиги тасаввур қилинади.

Бу ҳолатдан чиқишнинг табиий усули сифатида баъзи муаллифлар томонидан барча терминлар синоним сифатида ишлатилишини таклиф қилишади, чунки улар у ёки бу даражада бир маънони англатади. Кейинчалик барча тушунчалар биргина “Мен” сўзи билан таърифланади. Назариялар, концепсиялар ва ёндашувлар “Мен” структурасини турли хил таърифлашса ҳам, уларнинг кўпчилиги умумий тарифга эга: “Мен”и бевосита бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиши туфайли ҳосил бўлади ва шаклланади.

Бирнчилардан бўлиб бундай саволни У.Джемс қўйган ва шахс структурасида 3 компонентдан иборат: жисмоний шахс (тана, кийим ва одам атрофидаги буюмлар), рухий шахс (шахснинг психик хусусиятлари) ва ижтимоий шахс (атрофдагилардан олаётган ўзи ҳақида билимлар).

Шунга ўхшаш таъриф У.Мак-Дауголл томонидан берилган: “Мен” концепцияси ҳар доим “Мен” концепциясининг “Мен”га муносабатидир. Бу масалани ўрганишда психоанализ катта ўринга эга. Фрейдизмда одам шахсини кўриб чиқиш, унинг ҳаёт фаолиятининг биологик детерминациясига асосланган.

З.Фрейд фикрича, одамнинг хулқ-атвори бир бутун энергия орқали активланади. Психик энергиянинг манбаси бу нейрофизиологик ҳолатдаги қўзғалишдир. Индивид хулқ-атворининг ҳар бир шаклини мақсади, психик энергия йиғилишидан келиб чиқадиган, зўриқишни камайтиришдан иборат. Шахс активлиги белгиладиган инстинктлар, нейрофизиологик қўзғалишнинг психик образлари ҳисобланади.

Инстинктлар сони чекланмаган, уларнинг хилма-хиллиги шахс активлигининг, шакллариининг хилма-хиллигини белгилайди. Эго-йўналиш моделида 3 асосий структурани ажратамиз: ид (“у”), эго (“Мен”) ва супер-эго (юксак “Мен”).

Ид шахснинг примитив туғма ва инстинктив аспектларини ўз ичига олади. У онга бутунлай бўйсўнмайди ва инстинктив биологик уйғониш билан боғлиқ. “Мен”-бу психик аппаратнинг компоненти бўлиб, қарор қабул қилишга жавоб беради. Бу структура, ташки дунёда мавжуд бўлган тақиқлашларга мос ҳолда, Иднинг эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади.

Эгонинг пайдо булиши ва ривожланиши Ид асосида булиб, боланинг Иди атроф муҳитнинг талаблари билан келишмовчилик юз берганда келиб чиқади ва Иднинг узи бу келишмовчиликни ҳал қила олмайди. Супер-эго жамиятда узини тутиш норма ва стандартларини белгилайди. У болаларда ота-онаси, муаллими ва бошқалар билан булган муносабати орқали юзага келади. Унинг вазифалари -

узини танқидий баҳолаш, ахлоқий тақиқловлар ва айбдорлик хиссини шакллантириш, шунингдек, идеал "Мен" ни шакллантириш.

3.Фрейднинг назариясидан четга чиққан ҳолда К.Юнг уз назариясини тузди ва инсон "Мен"ининг ривожланиши ва табиати ҳақидаги тасаввурларни кенгайтди. К.Юнг буйича қалб 3 та алоҳида, аммо узаро муносабатдаги компонентлардан ташкил топган: Эго, шахс онгсизлиги ва коллектив онгсизлик. Эго онг сферасининг маркази ҳисобланади. У бизга узимизнинг бутунлигимизни, доимийлигимизни ва инсон эканлигимизни хис қилишга ёрдам берувчи, ҳаёллар, туйғулар, хотиралар ва хисларни уз ичига олади. Эго уз-узини англашнинг асоси булиб, унинг ёрдами билан биз уз фаолиятимиз натижасини кура оламиз.

Шахс онгсизлиги келишмовчилик ва хотираларни уз ичига олиб, улар илгари анланган булиб, кейинчалик унутилган ёки босилган. Бундан ташқари шахсий онгсизлик уз ичига эмоционал зарядланган, уз тажрибасидан келиб чиққан ҳаёл, туйғу ва хотиралар комплекциясини уз ичига олади. Коллектив онгсизлик одамнинг хотираси изларини уз ичига олган структурани ҳосил қилади. Унинг таркиби ҳар бир одам учун бир хил ҳосил булади. Коллектив шахсизлик архетиплардан ташкил топган. К.Юнг куплаб архетипларни таърифлаган, лекин бизнинг урганаётган масаламизга яраша Персона ва Узлик архетипларида тухталиб утамыз.

Персона шахснинг атрофдагилар билан булган муносабатни курсатадиган хусусияти. Персона ижтимоий талабларга яраша уйналадиган куплаб ролларни уз ичига олади. Персона бошқаларга уз ичига таасурот қолдириш ёки узининг ҳақиқий борлигини беркитиш мақсадида хизмат қилади.

Узлик - К.Юнгнинг назариясида энг асосий архетип ҳисобланади. У атрофида бошқа элементлар йигилган ва ҳосил булган шахс марказини ташкил қилади. "Мен" нинг бутунлиги ва бирлиги, узликни ривожланиши билан аксланишини, ҳаёлларда, тушларда ва афсоналарда, диний ва мистик тажрибада аниқлаш мумкин. К.Юнг узлик ривожланишини инсон ҳаётида асосий мақсад деб ҳисоблайди.

Ушбу ривожланиш мураккаб жараён бўлиб, доимийлик, қатъийлик, тажриба ва катта ҳаётий тажриба талаб этади.

А.Адлер таъкидлашича, шахснинг ҳаётий активлиги юзага келишининг ҳеч бирини шахсдан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди, фақатгина у билан бирга қабул қилиш мумкин. Индивидуум бўлинмас бутунликни ташкил қилади: тана билан мианинги ўзаро муносабатига нисбатан, ҳамда психик ҳаётга нисбатан. Ушбу шахс концепциясида одамни бир бутунлик сифатида кўришга интилиш акслантирилган. А.Адлер назарияси асосида чекланган миқдорда аҳамиятли иловалар ётади. Улар куйидаги навбатда келтирилади:

- номукамаллик ва компенсация хисси;
- юксакликка интилиш;
- ҳаёт стили;
- ижтимоий қизиқиш;
- ижодий "Мен";
- туғилиш навбати;
- фиксион финализм.

Уларнинг баъзиларини таҳлил қиламыз. Номукамаллик хисси органик кучсизлик ёки органик дефектга эга бўлган одамларни ўрганишда юзага келган. А.Адлер кузатишича, бундай одамлар ушбу дефектларни турли хил машқлар ва машғулотлар ҳисобига ўрнини тўлдиришади ва бунинг натижасида юксак маҳорат ва кучга эришишади. Бу кузатувлар натижасида муаллиф, компенсация жараёни психик сферада ўз урни бор деган фикрга келди: Одамлар кўпинча нафақат аъзонинг камчилигини қоплашга, балки ўз номукамаллик хиссини ҳам қоплашга ҳаракат қилишади.

А.Адлер бўйича, одамларнинг барча ҳаракатлари, камчиликларини қоплаб, бошқалар орасида юксакликка эришишга қаратилган. Юксакликка интилиш одам ҳаётидаги асосий мотивацион куч ҳисобланади. Бу бир бутун фундаментал мотив бўлиб, боланинг бошқаларга нисбатан ўз кучсизлик ва аҳмиятсизлигини англаши билан аксланади. Юксакликка эришишга интилиш позитив ва негатив йўналишда ривожланиши мумкин. Негатив йўналиш юксакликка учун эгоистик хулқ-атвор ва шахсий мувоффақиятга бошқалар ҳисобига эришиш йўли билан курашишади. Позитив йўналишда, юксакликка эришиш йўлида атрофдагиларнинг қизиқишлари ҳисобга олинади. А.Адлер ҳисоблашича,

интилиш универсал ва туғма бўлиб, одамга бошлаб назарий имконият сифатида хос бўлади. Ҳар бир одам бу имкониятни ўзига хос йўл билан амалга оширади. Муаллифнинг ҳаёт стили ҳақидаги иловаси одамнинг юксакликка интилишининг индивидуал хусусиятларини очиб беради.

Ҳаёт стили 4-5 ёшда, бола ўзининг жисмоний, психик ёки ижтимоий камчиликларини тушунишни бошлаганида шаклланади ва унда юксакликка интилиш каби ҳаёти мақсад пайдо бўлади. Ҳаёт стили шахснинг ижодий қибилиятлари таъсирида шаклланади.

Шаклланган ҳаёт стили мустақкам жойлашади, сақлаб қолинади ва шахснинг келажакдаги хулқ атворида асос бўлиб хизмат қилади.

К.Хорнига кўра, шахс ривожланиши жараёнида идеал ва реал “Мен” образларининг шаклланиши юзага келади. Ушбу образлар уларнинг орасидаги фарқ жуда катта бўлса ўзаро солиштирилади, одамнинг ўз ўзидан узоклашиши юз беради. К.Хорни бўйича, “ўзлик”, одамга ўзини тенги йўқ деб ҳисоблаш ва индивиднинг барча ҳаракатларини мукамаллаштиришга йўналтириш учун ички мўлжал бўлиб хизмат қилади. Э.Фроммнинг назарияси одам ҳаётининг ўрта асрлардан бошлаб, то ҳозирги кунларимизгача бўлган ўзгаришларини таҳлил қилишдан иборат. Унинг таҳлили асосида муаллиф шундай хулосага келдики, одамлар доимо шахсий озодликка эришиш ва ўз имкониятларини кенгрок ривожлантириш мақсадида курашишган. Бу курашувларнинг натижаси бўлиб, индивидуалликнинг ривожланиши, лекин шу билан бирга ҳимоя хиссининг йўқолиши, ёлғизлик хиссининг пайдо бўлиши кузатилган.

Озодликка эришиш ва ҳавфсизликка интилиш орасида юзага келадиган конфликт, ҳаётдаги энг қудратли мотивацион кучни ташкил қилади. Ушбу конфликтни ҳал қилиш усулларини шахснинг хулқ-атвори белгилайди. Конфликтни позитив ҳал қилиш вариантга кўра атроф билан ўзаро алоқа тузиб, шу билан бирга ундан алоҳида мустақил бўлиш.

Э.Фроммга кўра, позитив озодлик йўлида асосий компонентлар бу муҳаббат ва меҳнат. Муҳаббат ва меҳнат ёрдамида, ўз индивидуаллиги ва бутунлигидан воз кечмаган ҳолда, одамлар бошқалар билан яқин бўла олади.

Негатив вариант Э.Фромм томонидан “озодликдан қочиш” сифатида таърифланади. Муаллиф ушбу жараённинг бир неча стратегияларини ажратади. Биринчиси – авторитаризм, индивидуал “Мен”и йўқотган кучни қайтариш мақсадида ўзини ким биландир ёки нима биландир боғлаш. Озодликда қочишнинг иккинчи механизми – деструктивлик. Бу тенденцияга кўра, одам бошқаларни бўйсиндирган ҳолда, конфликтни ва у билан бирга ҳосил бўлган номукамаллик хиссини енгитишга ҳаракат қилади. Конфликтни негатив ҳал қилишнинг учинчи механизми – хулқ-атворни бошқарувчи, ижтимоий нормаларга бутунлай бўйсиниш: “Индивид ўзи бўлишни тўхтатади; у жамият талаб қилган маъданият моделига айланади, шунинг учун уни бошқалар қандай кўришни хошлашса, шундай бўлишга ҳаракат қилади”.

Психоаналитик йўналишда ишлаб чиқилган концепцияларни кўра туриб, қуйидаги хусусиятларни таъкидлаб ўтиш зарур. Биринчидан, шахс ҳаётинининг баъзи томонларини акслантирувчи “Мен”нинг турли аспектларини мавжудлиги.

Иккинчидан, одамнинг “Мени” ривожланишида атроф муҳитнинг роли. Ушбу нуқтаи назар интеракционистик йўналишнинг аъзолари учун хос бўлиб, унинг чегараларида “Мен” категорияси билан боғлиқ бўлган муаммолар кўриб чиқилган. Ч.Кули томонида аксдаги “Мен” назарияси таклиф қилинган. Бу назарияга кўра, шахс – бу атрофдаги одамларнинг фикрига нисбатан одамнинг психик реакцияларининг йиғиндиси. Одамнинг ўзи ҳақидаги тасавури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) бошқа одамга қандай кўриниши ҳақидаги тасаввур:
- 2) бошқа одам менга берадиган баҳоси ҳақида тасаввур:
- 3) “Мен” ҳақида баъзи хислар.

Бу структура атрофдагиларнинг у ҳақидаги фикри аксланганда ёки ўзлаштирилганда шаклланади.

Когнитив йўналишни ишлаб чиқишда Д.Келли асосий ролни ўйнади. У таъкидлашча, шахсни тушунишда факт ва ҳодисаларни ўрганиш эмас, балки уларнинг интерпретациясини ўрганиш муҳимроқдир.

Когнитив психология чегараларида “Мен” категорияси муаммосини тушуниш учун маълум бир одат тузилади. Ўрганишнинг асосий предмети “Мен”нинг рационал компонентлари бўлади. “Его” ва селф

каби икки асосий тушунчанинг нисбатига кўра, бу масалани ўрганишда америка одатларида 3 та тенденция ажратилади. Биринчи йўналишга қўшилувчи олимлар “Его” ва Селфнинг фарқи ҳақида таъкидлашади. “Его” уларнинг фикрича, “Мен”ни жараён сифатида қабул қилишади. Унинг асосий вазифалари адаптация ва ҳимоя бўйича. Яъни одам ўзи ҳақида, ўз туйғулари ҳақида нимани ўйлаши. Иккинчи йўналишнинг тарафдорлари эса, “Мен”ни билиш жараёнининг объекти сифатида кўришади. Учинчи йўналиш тарафдорларига “Его” ва селф нисбатининг куйидаги тушунчалари хос: биринчиси- “Мен”нинг перцептив аспектларини, иккинчиси – унинг актив томонини англатади. Фарқли кўринишига қарамадан ҳар бир ёндашувни “Мен”га умумий муносабат уларни бирлаштириб туради. Бу йўналишнинг бошқа хусусияти бу унинг “Мен” компонентлари ва уларнинг шаклланиш жараёнига қизиқишдир. Билиш жараёнлари ёрдамида умумий когнитив ёндашувнинг перцепциялари, марказида рефлексив “Мен” муаммоси турган, турли хил назариялар пайдо бўлишига олиб келди. Уларни ўрганиш турли хил йўналишларда олиб борилган. Шундай қилиб, концептуал “Мен” унинг компонентлари нуктаи назаридан баҳоланиши мумкин. Барча “Мен”-назариялари барибир “Мен”нинг структур тузилишига қаратилади.

Ҳозирги вақтда “Мен”га йуналтирилган когнитив психологияда тоза когнитивизмдан четлашиш кузатилади. Биринчидан, “Мен”нинг нафақат рационал, балки эмоционал тенденцияларини куриб чиқиш режалаштирилган. “Мен” шаклланишининг факторларидан бири булиб, ички аффектив динамика ва ижтимоий талаблар, шахс активлиги ва ижтимоий талаблар, шахс активлиги ва шахслараро муносабат орасидаги реал конфликт ажратилади. Масаланинг юқоридагидек куриниши, ушбу методологик парадигмага хос, шахснинг ижтимоий мухитини, унинг қобилиятларини чекловчи манба сифатида тушинишига боғлиқ.

Иккинчидан замонавий когнитивизмда “Мен”нинг кўпроқ ижтимоий компонентларига эътибор қаратишга интилишни кузатиш мумкин. Шундай қилиб, бир қатор жиддий масалаларни куйган, назарий концепцияларнинг тулиқ спектрини ва изланишларнинг бой эмпирик одатини тузган ҳолда, когнитив йуналтирилган психология узининг “тоза” позицияларидан четлашди.

“МЕН” тузилиши атрофдагилар билан ўзаро муносабат орқали шаклланади: “боланинг ижтимоий таъсирчан бўлиш-бўлмаглигига қараб, когнитив ва перцептив қобилиятлари ривожланади”, “МЕН”-концепциялари шунчалик ўзгаради ва мураккаблашади.

Инсоннинг қабул қилиш жараёни танловчанлиги билан тавсифланади: биз атрофдаги нарсаларни “МЕН”-концепциясининг хусусиятларига мувофиқ равишда қабул қилиш ва бошдан кечиришга ҳаракат қиламиз. “МЕН”-концепцияси организм ҳолатини баҳолайдиган ўзгача координаталар тизими сифатида хизмат қилади.

Ўзлик билан мос келмайдиган кечинмалар хавф солаётгандек қабул қилиниши мумкин, ва бу таҳлика қанчалик кўп бўлса, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ўзликнинг тузилиши шунчалик бардошли бўлиб боради. Натижада “МЕН”-концепцияси организм ҳақиқатларига камроқ чидамли бўлади ва унинг актуал талаблари билан алоқани йўқотади.